







# ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТЕРМИЗДА

Эртага Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий XIII халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлади

— Бугун дунёнинг 5 қитъа, 120 дан ортқ мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда, — дейди Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизмати раҳбари Жамшид НАМОЗОВ. — Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан халқаро спорт тури мақоми олиган ўзбек кураши дунё бўлаб кенг ривожланмоқда.

Канада, Боливия, Бразилия, Жанубий Африка Республикаси, Буюк Британия, Голландия, Туркия, Хиндистон, Таиланд, Японияда бу спорт турининг миллионлаб ихлосмандлари бор. Хатто, Доминикан Республикаси, Парагвай, Эквадор, Замбия, Нигерия мамлакатлари, Маврикия, Фижжи, Гвинея оролларида ҳам кураш федерацияси тузилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида катталар ўртасида 10 марта, ёшлар орасида 8 марта жаҳон чемпионатлари ўтказилди. Америка, Осиё, Европа, Африка ва Океания қитъавий чемпионатлари ҳар йили ўтказилляпти. Буюк Британия, Афғонистон, Греция, Туркия, Эрон, Украина, Россия, Франция, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси, Боливия каби мамлакатларда ўтказилган 500 дан ортқ халқаро турнир минглаб полвонларни кашф қилди.

Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни келажакда ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича



самарали ишлар олиб борилмоқда.

2003 йилдан эътиборан кураш Осиё спорти, деб тан олинган бўлса, 2006 йилда у ёпиқ иншоотлар ва яққакурашлар бўйича Осиё ўйинлари, 2013 йили Осиё соҳил ўйинлари, 2015 йилдан Осиё болалар ўйинлари дастурига киритилди.

2007-2008 йилларда Макао ва Вьетнамда ўтган II ва III ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида, 2009 йили Таиландда жанговар яққакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида, 2013 йили Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ва жанговар яққакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида, 2014 йили Таиландда ва

2016 йили Вьетнамда ташкил этилган Осиё соҳил ўйинларида кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. 2015 йилнинг сентябрь ойида Осиё олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган навбатдаги Бош ассамблеясида кураш 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилаётган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Яна бир маълумот. Ассоциация 18 йиллик фаолияти давомида 40 нафарга яқин халқаро олимпия қўмитаси аъзолари ва президентлари билан расмий учрашувлар ўтказди, уларга кураш ҳақида атрофлича маълумотлар

берилди. 2005 йил Лозанна шаҳрида халқаро Олимпия қўмитаси музейида курашга бағишланган кўргазма ташкил этилди. Тобора оммавийлик касб этаётган кураш келажакда албатта Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишига ишонаман...

— Термизда ўтаётган навбатдаги турнир қандай тайёргарлик кўрилди?

— Маълумки, бу турнир 1993 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинмоқда. Йил сайин унинг нуфузи ошиб бормоқда. Навбатдаги турнирда Эрон, Туркия, Корея, Греция, Таиланд, Ирок, Грузия, Хиндистон,

Бразилия, Боливия, Конго, Камерун, Тайван каби 50 давлатдан 150 дан зиёд спортчи ва меҳмон иштирок этиши кутилаётгани ҳам турнирнинг нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир. Турнир соврин жамғармаси 56 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мусобақалар Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионида ўтказилади. Беллашувларда халқаро турнирлар қолиблари ва жаҳон чемпионлари иштирок этишади. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан махсус дастур асосида меҳмонларни қутиб олиш, меҳмонхоналар, транспорт хизмати, маданий-маърифий ва бошқа тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Маҳаллий ва хорижий журналистлар дунёнинг исталган нуқтасига тўғридан-тўғри маълумот узатиш имкониятига эга бўлишади.

Турнир давомида ҳакамлар учун семинар, ташкилий қўмита аъзолари ва хорижий меҳмонлар иштирокида анжуманлар ташкил этилади. Полвонлар 73, 90 ва мутлақ вазнда қолиб-лик учун кураш олиб боради. Турнирда мутлақ вазнда қолиб бўлган полвон Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — 25 000 АҚШ долларига сазовор бўлади. Иккинчи ўрин соҳиби 10 000 доллар, иккита ўринчи ўрин соҳиблари 5000 доллардан пул мукофоти билан тақдирланади. Қолган вазн тоифасидаги қолиб ва совриндорларга ҳам пул мукофотлари таъсис этилган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Абдумалик ХАЙДАРОВ сўхбатлашди.

## Спорт

Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг куёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг машъаласи Жиззах шаҳрига кириб келди.

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2017»

МАШЪАЛАСИ  
ЖИЗЗАХГА КЕЛДИ

Жиззахгача бўлган 301 километр масофа оралигида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳудудларидан ўтиш давомида шаҳар ва қишлоқларда ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида «Баркамол авлод — 2017» машъаласини қутиб олишга, қузатишга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Машъала Жиззах вилояти чегарасида жамоатчилик вакиллари, ёшлар томонидан карнай-сурнай садолари остида қутиб олинди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари биз ёшларнинг катта спортга кириб келишимизда бекиёс аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди Дўстлик қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси, дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони Шоҳиста Анорова. — Бу эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасини туманимиз ёшлари эришаётган натижаларда кўриб турибмиз.

З.ЖОНИБЕКОВ,  
Т.БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.

## Ҳуқуқий ислоҳот

# Инсон манфаатлари ҳимояси йўлида

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил институтга айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентиамизнинг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва 2017 йил 21 февралдаги Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари суд тизими нуфузини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилишнинг яна бир юксак ифодаси бўлди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга ошириш таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ва Ҳўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Маъмурий жаъобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Эндиликда ушбу тоифадаги ишлар янги ташкил этилаётган маъмурий судлар томонидан кўрилади. Шу билан бирга, маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибининг белгиланган давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган «Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида»ги ва «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари

тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилмоқда. Бунинг зарурати ҳўжалик судларининг фақат вилоят даражасида фаолият кўрсатганлиги билан боғлиқдир. Айрим туманлар суд биносидан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилгунга қадар вилоят марказига бир неча марта ротаба қатнашга мажбур эди. Бу уларнинг моддий харажат ва ортқча вақт сарфлашларига сабаб бўлаётган эди. Бир сўз билан айтганда, ташкил этилаётган маъмурий ва иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истикомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига, Фуқаролик процессуал кодексига ва бир қатор қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар судлар томонидан ишларнинг

кўриб чиқилишини асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қўйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 348-моддасидаги суднинг қарорларига нисбатан кассация тартибида шикоят бериш муддатининг бир йилдан олти ойга қисқартирилиши фуқароларнинг сарсон бўлиб юришларининг олдини олишга, низоларнинг тез фурсатларда ўз ечимини топишига замин яратади.

Мазкур кодекснинг 350-моддасига кўра, суднинг қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризаларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Бош прокурорга ёки уларнинг ўринбосарларига берилиши ҳам ўз навбатида, суд қарорларини ортқча инстанцияларда кўрилишини бартараф қилиб, фуқароларнинг низоли масалаларини тез ва самарали ҳал этишга, уларнинг одил судловга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Қисқача айтганда, кўрилатган чоралар мамлакатимизда суд тизимини янада чуқур ислоҳ қилиш, демократлаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратади.

Нодиржон ФАЙЗИЕВ,  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Навий вилоят  
судининг раиси.

## Реклама

# ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси жамоаси акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Икромжон Мамажонов отаси Ҳаётжон МАМАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi tomonidan qurilgan. Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14582

naxxada  
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 23:33  
Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda keltirilgan norkda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 4 5 6